

Qabul qilindi: 05.07.2024 Chop etildi: 30.08.2024

UDK: 801.82:81'255:821.51:811.111

“АЛПОМИШ” ДОСТОНИДА ЛЕКСИКО-
СЕМАНТИК ГУРУХЛАРНИНГ ТАХЛИЛИ
МАСАЛАЛАРИ

PhD. Асқарова Шахноза Камолидиновна
Ташкент давлат шарқшунослик университети
докторанти (DSc)

ПРОБЛЕМЫ АНАЛИЗА ЛЕКСИКО-
СЕМАНТИЧЕСКИХ ГРУПП В ЭПОСЕ
«АЛПОМИШ»

Асқарова Шахноза Камолидиновна
Докторант (DSc) Ташкентского государственного
университета востоковедения

PROBLEMS OF ANALYSIS OF LEXICAL-
SEMANTIC GROUPS IN THE EPIC “ALPOMISH”

Asqarova Shaxnoza Kamolidinovna
Doctoral student (DSc) of Tashkent State University of Oriental
Studies

Аннотация: Мазкур мақолада бугуннинг долзарб масалаларидан – тил ва маданият, уларнинг ўзаро муносабатлари, ўзбек халқининг миллий урф-одат, анъаналарини мужассамлаган нодир асар “Алпомиш”нинг инглизча таржимасидаги такрорларнинг лингвомаданий жиҳатлари ҳақида фикр юритилади. Ноқардош икки тил орасидаги кўприк бўлмиш таржимоннинг бу борадаги қобилияти, таржима қийинчиликлари ва уларни бартараф қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилади.

Калит сўзлар: лингвомаданиятшунослик, таржимашунослик, такрор, сўзлар рақси, қийинчилик, мулоҳаза.

Аннотация: В данной статье рассматриваются актуальные вопросы современности – языка и культуры, их взаимоотношения, лингвокультурные аспекты повторов в английском переводе редкого произведения «Алпомиш», воплощающего национальные обычаи и традиции узбекского народа. Приводятся умения переводчика, являющегося мостом между двумя неродственными языками, а также предложения и рекомендации по трудностям перевода и их устранению.

Ключевые слова: лингвистика, переводоведение, повтор, танец слов, трудность, рассуждение.

Abstract: This article discusses today’s current issues – language and culture, their mutual relations, the linguistic and cultural aspects of the repetitions in the English translation of the rare work “Alpomish”, which embodies the national customs and traditions of the Uzbek people. The ability of the translator, who is a bridge between two unrelated languages, as well as suggestions and recommendations on translation difficulties and their elimination, are given.

Keywords: linguistics, translation studies, repetition, dance of words, difficulty, judgment.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). “Алпомиш” достонини турли тилларга ўгириш билан боғлиқ масалалар ҳозирги кунда таржимашуносларнинг диққат марказида бўлиб турибди. Халқ оғзаки ижодида фаол иштирок этган стилистик усуллардан бири бўлган такрор мазкур достон аслиятида ҳам, таржимасида ҳам тадқиққа муҳтождир. Бадий асарларда такрорнинг қўлланишини С.Д.Никулинанинг тадқиқотида ҳам кўриш мумкин: “Повтор как яркое художественное средство и вместе с тем как весьма продуктивный



Тел: +998935935777

e-mail:

shakhnozaaskarova2@mail.com

Orcid: 0009-0006-6892-4324

способ организации словесного материала мы находим в произведениях всех эпох, жанров и видов искусства” [3]. Лексик такрор – сўзнинг кўп маънолилигида ҳосил бўладиган сўз ёки сўзлар гуруҳининг ўзига хос грамматик трансформациясини ўз ичига олган ҳолда билан такрор келиши, грамматик ва семантик маънонинг ўзгаришида намоён бўлади. Халқ оғзаки ижодига хос матннинг семантик, структуравий ва стилистик ўзаги бўлган лексик такрор бадий матннинг информацион, функционал ва прагматик имкониятларини рўёбга чиқариш учун хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД / MATERIALS AND METHODS). И.Ю.Ковальчук эса такрорнинг лексик жиҳатларига аҳамият берган: “Повтор также является текстостроительным средством в прозаическом тексте. Он признается важным структурообразующим и связующим фактором в фольклорных текстах, в которых он образует цепевидные структуры разных типов, а также в художественных текстах массовой коммуникации иначе называемых «паралитературными», где он имеет статус когнитивного образования, выступает как начальный элемент сознания и наделяет текст связностью” [4]. Юқорида таъкидланган ишларда такрорнинг лексик хусусиятларига, бадий матнларни яратишдаги ролига эътибор берилган. Аммо такрорнинг айнан ўзбек бадий асар матнларида қўлланиши, таржимада акс этиши, лингвомаданий сўзлар руҳиятини сақлаган ҳолда таржимада узатилиши каби масалалар тадқиқотнинг яна бир долзарб томонини белгилайди.

Тадқиқот жараёнида илмий билишнинг тилшунослик ва таржимашунослик қўлланиладиган анализ, синтез, қиёсий таҳлил, герменевтик таҳлил каби метод ва усуллардан самарали фойдаланилди.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). “Алпомиш” асл достонида қўлланган миллий-маданий сўзларни таҳлил қилишда уларнинг такрорланиш фаоллигини аниқлаш учун қуйидаги статистик мезонларга асосланилди:

1. Этимологик таҳлил – сўзларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганишга қаратилган бўлиб, “Алпомиш” контекстидаги сўзларнинг тараққиётини аниқлаш, шунингдек, улар қандай ривожланганлиги, қайси маданий қатламларга таъсир кўрсатишини аниқлаш имконини беради. Матнга киритилган сўзлар қандай ўзгаришларга дучор бўлганини ва бу уларнинг маъносига қандай таъсир қилганини кўриш мумкин.

2. Лексик таҳлил – сўзларнинг таркибига, яъни морфологик тузилишига, мавжуд ўзак ва аффикслардан янги сўз ясаш йўлига қаратилган. “Алпомиш” достонининг лексикасини тадқиқ этиш орқали айрим сўзлар ёки уларнинг ўзгариб туриши қанчалик тез-тез ва қандай шаклда такрорланишини аниқланган. Бу лексик таҳлил матннинг стилистик бўёқдорлигига қандай таъсир қилишини тушунишга ёрдам беради.

3. Матндаги стилистик-услубий таҳлил – матндаги миллий-маданий сўзларни ажратиб кўрсатиш ёки таъкидлаш учун қўлланиладиган усулларни қамраб олади. Бунга маълум сўзларни такрорлаш частотаси, метафора, ўхшатиш ва бошқа адабий воситалардан фойдаланиш киради. Таҳлил достондаги маданий, ҳиссий тус беришда қайси лексик бирликлар муҳимлигини, шунингдек, улардан матннинг услубий яхлитлиги ва чуқурлигини яратишда қандай фойдаланилганлигини аниқлашга ёрдам беради.

4. Грамматик таҳлил – морфология, синтаксис ва сўз ясалиши каби грамматик мезонларга қаратилган. У грамматик тузилмаларнинг миллий-маданий сўзларнинг қўлланилишига қандай таъсир кўрсатишини аниқлаш имконини беради. Масалан, тусланиш, келишик ва синтактик тузилмалар сўз маъноларининг такрорланиши ёки ўзгаришига қандай таъсир этишини қамраб олади [1].

Умуман олганда, “Алпомиш” достонига мансуб лингвомаданий сўзларни тушуниш ва тўғри қўллаш уларнинг тарихий-маданий мазмуни ва маъносини ҳисобга олишни тақозо этади, бу эса матннинг асл семантик ва эмоционал мазмунини самарали етказиш имконини беради. Ушбу достондаги лингвомаданий сўзларни маҳсулдорлигини қуйидаги мисоллар орқали кўриш мумкин: *Алп* сўзи “Алпомиш” достони аслиятида 690 марта қўлланган. Бу лингвомаданий сўзни маҳсулдорлиги юқори

бўлган лингвомаданий сўзлар қаторига киритилди [2].

Жадвал № 1. “Алпомиш” аслиятидаги лингвомаданий сўзларнинг маҳсулдорлиги

Лингвомаданий сўз	Юқори маҳсулдорлик (11+ марта)	Ўртача маҳсулдорлик (7-10 марта)	Қуйи маҳсулдорлик (2-6 марта)	
Алп	690 марта			
Бий	128 марта			
Бек	586 марта			
Закот	54 марта			
Шоли-шолдам			5 марта	
Шоҳ	83 марта			


Яна бир мисол, *закот* сўзи дoston матнида 54 марта ишлатилган. Ушбу лингвомаданий сўзни маҳсулдорлиги ўртача бўлган сўзлар қаторига, *шоли-шолдам* лингвомаданий сўзи эса энг кам қўлланган сўзлар қаторидан жой олган бўлиб, атиги 5 марта учрайди, холос. Шундай экан мазкур сўзни маҳсулдорлик кўрсаткичи қуйи бўлган миллий-маданий сўзлар қаторига киритилди. Қуйидаги жадвалда эса асар аслиятидаги ўзбек миллий маданий сўзларининг инглизча таржимада инглиз миллий маданий сўзларига айлантириб амалга оширилган таржимаси берилган [5].

НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS). “Алпомиш” дostonининг лексик-семантик таҳлилини статистика қилишда антропонимларни, яъни кишиларнинг исм ва фамилияларини билдирувчи сўзлар ҳам инoбатга

олинган. Таҳлиллардан маълум бўлдики, “Алпомиш” ижодида антропонимлар кўпинча чуқур маданий-тарихий жиҳатларни етказиш учун қўлланган. Масалан, тарихий шахслар ёки халқ қаҳрамонлари номини тилга олиш асар муҳитини яратишда асосий омил бўла олади.

Топонимлар ёки жой номлари ҳам лингвокултурологияда муҳим ўрин тутади. “Алпомиш” дostonида эса жой номлари кўпинча ўзига хос муҳит яратиш ва ўлка ҳақидаги тарихий фактларни етказишда асосий элемент вазифасини ўтаган. Ниҳоят, ўзбек адабиётида ҳайвонлар номини билдирувчи зоонимлар ҳам ўзига хос маънога эгаллиги барчага маълум. “Алпомиш” дostonида эса улар халқ маданиятининг рамзий ёки мифологик жиҳатларини ифодалашда қўлланган.

такорнинг параметрларда берилиши



ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Лингвимаданий сўзлар ўзига хос маданий, тарихий маънолар ташувчиси бўлиб, миллий ўзликни англаш ва маданий меросни етказишда асосий ўрин тутади. Уларни таҳлил қилиш нафақат тилнинг хусусиятларини, балки маданий узагиш ва идрок этишнинг ички механизмларини ҳам аниқлаш имконини беради.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ
(ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА /
REFERENCES)**

1. Алпомиш. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1987. – 335 б.

2. Маъмуров Қ. “Алпомиш”. – Тошкент: Зебопринт, 2023. – 380 б.
3. Никулина С.Д. Лексический повтор как средство смысловой организации художественного текста. //Филологические науки. – Оренбург: 2022. С. 39-45.
4. Ковальчук И.Ю. Повтор и его функции в тексте. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Пятигорск: 2004.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Москва: Рус тили, 1981. 2 жилд. – Б. 370.
6. Якобсон Р. Избранные работы. – М: 1985. – 554 с.

